Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 67 (3568)
22 ЧОРШАНБА
МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ 20 март куни КПСС Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Унда моторсозликдаги фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш вазифаларини амалга ошириш, мамлакатда мотор техникасини ишлатишни такомиллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган амалий тадбирлар кўриб чиқилди.

★ Кеча Тошкентда СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги билан ЮСФР станоксозлик маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари савдо саноат бирлашмаси — «Машино-Савез» ўртасида станоксозлик соҳасидаги ҳамкорлик билан шуғулланувчи доимий иш группасининг X мажлиси очилди. Иккала мамлакат мутахассислари халқ хўжалиги планларини, яқин келажакда меҳнат тақсимотини ва бир-бирларига станоклар етказиб беришни бундан буён ҳам муваффақиятлироқ олиб бориш йўлларини муҳокама қилмоқдалар. Мажлис уч кун давом этади.



6-қурилиш трести 32-бошқармаси нинг бинокорлари Тошкент «Компрессор» заводининг янги ишлаб чиқариш корпусини тез суръатлар билан бунёд этишмоқда.

СУРАТДА: ушбу объектда унумли ишлаётган илғор қурувчилардан (чапдан) Иван Капитонов ва Исматулла Суюмбоев.

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

УЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУН) ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳасининг матбуотда эълон қилинганлиги, радио орқали ўқиб эшиттирилганлиги биз, совет кишилари учун катта қувонч бахш этди. Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳаси бригадамиз, қурилиш бошқармаси, 6-трест қурувчилари ўртасида ҳам муҳокама этилди. Унинг 38-моддасида: **Ўзбекистон ССР гражданлари меҳнат қилиш ҳуқуқига, яъни меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ва камида давлат томонидан белгиланган минимал миқдорда ҳақ тўланадиган ва гарантияланган иш олиш ҳуқуқига, шу жумладан ўзларининг лаёқатларига, қобилиятларига, касб-ҳунар малакаларига, билимларига мувофиқ равишда ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб, машғулот ва иш танлаш ҳуқуқига эгадирлар.**

Бу ҳуқуқ социалистик хўжалик системаси билан ишлаб чиқарувчи кучларни мутасил ўстириш билан, текинга касб ўргатиш билан, меҳнат малакасини ошириш ва янги ихтисосларни ўргатиш билан, касб танлаш ва ишга жойлаштириш системаларини ривожлантириш билан таъминланади» дейилган.

Владимир Николаевич Мельников бошлиқ бизнинг сувоқчилар бригадамизда 24 киши қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқда. Улар турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлиб, Конституциямизда таъкидлаб ўтилганидек, ягона мақсад йўлида — сифатли уй-жой, ишлаб чиқариш биноларини белгиланган муддатда қуриб, фойдаланишга топшириш йўлида хизмат қилмоқдалар. Бригадамиз коллективи партия ва ҳукуматимизнинг биз, совет кишиларининг фаровон турмуш кечиришлари тўғрисида кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан, беш йиллик топшириқни 3.5 йилда бажаришга қарор қилди. Биз қўлдан чиқарган объектларни фақат «аъло» сифатга фойдаланишга топширамиз. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси кундалик норма — 11 квадрат метр ўрнига 21 квадрат метр сатҳни пардоздан чиқариш мажбуриятини олди.

Н. Злобин методи асосида ишлаётган бригадамиз ҳозирда 1979 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Г. АНОРБОЕВА,
6-қурилиш трестининг сувоқчиси, Собир Раҳимов район совети депутати.



Республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар.

СУРАТДА: Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи электр аппаратлари цехининг бошлиғи Андрей Андреевич Овчинников бир группа ишчиларга Конституция лойиҳаси ҳақида ҳикоя қилмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМАН

Мамлакатнинг янги Асосий Қонунини қабул қилган тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси ишидан олган шодиёна таассуротларимиз ҳали унутилгани йўқ. Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги тўғрисида яна бир хушхабар келди. Унда Советлар мамлакати ўн беш республикасидан бири эришган ажойиб муваффақиятлар, ривожланган социализм жамиятининг демократизми ўз ифодасини топган. Бундай жамиятда ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун хизмат қилади.

Масалан, бунинг учун республиканинг ҳар бир фуқаросига табиий ҳуқуқ — меҳнат қилиш ҳуқуқини берадиган 38-модда яққол далил бўла олади. Ўзбекистон аҳолиси ишсиз қоламиз, деб ташвиш тортиш туйғуси нима эканлигини мутлақо билмайди. Бугунги кунда капиталистик мамлакатларда миллион-миллион кишилар ишдан маҳрум этилгандирлар. Шуниси қувончлики, янги Конституция лойиҳаси ҳар бир кишига ўз истеъдодига, қобилиятига, профессионал тайёргарлиги ва билимига яраша ҳунар танлаш ҳуқуқини таъминлайди.

Мисол учун комбинатимизни олайлик. Корхона ҳаммани иш билан таъминлайди, шу билан бирга ёшларга ҳунар танлашда, касб эгаллашда, ёрдам ҳам беради. Комбинат ҳузурида профессионал техника ва тармоқ билим юртлари ишлаб турибди. Бизда ўқишни давом эттиришни хоҳловчи кишиларга ҳам кенг имкониятлар яратиб берилди. Комбинатда ҳозир бир ярим мингдан ортиқроқ йигит-қиз ишламоқда.

Мен шунинг учун ҳам барча ҳамюртларим сингари ҳаётимиз қонунини қизғин маъқуллайман ва қўллаб-қувватлайман.

З. СЕНКЕВИЧ,
Тошкент тўқимачилик комбинати директорининг ўринбосари, ҳунар танлаш кенгашининг раиси.

ОЛИМПИАДАГА БАҒИШЛАБ

Технологик жиҳозлар тажриба ремонт-механика заводининг клубида 1980 йилда Москвада бўладиган Олимпиадага бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечага корхонада меҳнат қилаётган комсомол-ёшлар, спортчилар, физкультура коллективининг активистлари келишди. Корхона физкультура коллективида бир неча йилдан буён шуғулланиб келаётган омбор мудири Иван Андреевич Васильев сўзга чиқиб, шаҳримизда физкультура ва спорт қачон вужудга келганлиги ва уларни оммалаштириш тарихи ҳақида сўзлаб берди. Кейин завод физкультурачилари йиғилганлар олдида ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Шунингдек, гимнастикачи, курашчи, боксчи ва акробатлар энг қийин машқларни бажариб, маҳоратлари ошиб бораётганлигини кўрсатишди.

Физкультура коллективи советининг аъзолари бир группа ўқувчиларни физкультурачилар сафига қабул қилишди. Ўқувчиларга «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» физкультура комплексининг зачёт книжкалари топширилди. Кеча охирида ҳаваскорлар яратган «Оммавийликдан — маҳоратга» фильми кўрсатилди.

В. ФИАМСКИЙ,
тажриба ремонт-механика заводининг пайвандчиси.

ТОШКЕНТНИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ВА НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УРНАТИЛГАН ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ

КОММУНИСТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Коммунистик келажак ишчи. Трактор созлар бу мавзуда ўз коллективларида мунтазам баҳс юритадилар. Шу кунларда партия комитетида цех партия ташкилотлари секретарларининг навбатдаги кенгашида бу ҳақда катта, қизғин суҳбат бўлди.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, — дейди корхона партия комитети секретарининг ўринбосари Н. Г. Белозеров.—Айнан меҳнат коллективларида коммунистик жамият бунёдкорининг — инсоннинг ахлоқий фазилатлари шаклланади, унинг ҳақиқий характери тобланади.

Бу суҳбат цех партия ташкилотларида давом этди. Завод ёш коммунистлар мактабининг навбатдаги машғулотида ҳам шундай суҳбат бўлди. Унинг тингловчилари сафида 250 дан зиёд ёш коммунист бор. Кимдир сўради: «Коммунистик келажак ишилари ҳозир оранизда борми? Ҳа, ёшлар доимо изланишда, улар нимга тенглашиш, ундан намуна олишни исташади. Шунинг учун ҳам: «ҳа, бор», деб жавоб беришди. Трактор заводида ҳам бундай ишлар оз эмас.

Масалан, созловчи М. Туроповни олиб кўрайлик, У коммунист, орденян ишчи, жамоатчидир. Ишга бутун қалб қўрини бахш этади. У ўз шогирдларини ҳам ҳалолликкга, ишга садоқатга, ўртоқларига ғамхўр бўлишга даъват этади. Яқиндагина коммунистлар Туроповга юксак ишонч билдириб, уни Ўзбекистон Компартияси XIX съездига делегат қилиб сайладилар.

Парамаловчи, коммунист, КПСС XXV съезди делегати А. Федюшина ҳам ҳамкасбларининг юксак ишончини қозонган. Пайвандловчи Н. Иванова эса зарбдор ва жамоатчидир. Коллектив уни ўтган йили СССР касаба союзларининг XVI съездига делегат қилиб сайлашди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими шуки, улар ишчиларнинг ҳақиқий чиниқиш мактабини босиб ўтишган, ўз ортларидан бошқаларни эргаштирмоқдалар, меҳнат коллективини олиб юрайлик. Ташаббускор коммунист, моҳир ташкилотчи А. Никитин унга бир неча йил бошчилик қилди. У ўзининг ҳамкасблари — коммунистлар билан биргаликда қанчадан-қанча ёш ишчиларни тарбияламаган дейсиз. Ҳозир Никитин комсомол ишига ўтди. Ундан эстафетани Н. И. Лоскутова олди. Надежда Ивановна слесарь бўлиб, ёшларнинг севимли мураббийси эди. Цех партия ташкилоти секретарлигига сайланишни у юксак партиявий топшириқ деб қабул қилди, доимо масъулиятни ҳис этиб ишламоқда. Шунинг учун ҳам пресслаш-пайвандлаш цехида ёш коммунистлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу ерда ҳақиқий ўртоқлик, ўзаро ёрдам вазияти ҳукм сурмоқда. Ҳар бир киши ўз иши ва коллектив иши учун жон куйдиради. Бунинг натижаси яққол кўриниб турибди. Коллективда биронта ҳам қолоқ ишчи йўқ.

Коммунистик онглилик инсоннинг мезони бўлиб ҳисобланади. Коммунистик шанбаликлар ўтказиш эса унинг ҳаётий позициясидан гувоҳлик беради. Ўтган йили тракторсозлар қизил шанбалик куни юзлаб минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди, маблағни ўзининчи беш йиллик фондига ўтказишди. Бу йил доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишлаб, 22 апрель куни зарбдорона меҳнат қилишга аҳд қилишди.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш-заводида ҳам бундай кишилар оз эмас.

Масалан, созловчи М. Туроповни олиб кўрайлик, У коммунист, орденян ишчи, жамоатчидир. Ишга бутун қалб қўрини бахш этади. У ўз шогирдларини ҳам ҳалолликкга, ишга садоқатга, ўртоқларига ғамхўр бўлишга даъват этади. Яқиндагина коммунистлар Туроповга юксак ишонч билдириб, уни Ўзбекистон Компартияси XIX съездига делегат қилиб сайладилар.

Парамаловчи, коммунист, КПСС XXV съезди делегати А. Федюшина ҳам ҳамкасбларининг юксак ишончини қозонган. Пайвандловчи Н. Иванова эса зарбдор ва жамоатчидир. Коллектив уни ўтган йили СССР касаба союзларининг XVI съездига делегат қилиб сайлашди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими шуки, улар ишчиларнинг ҳақиқий чиниқиш мактабини босиб ўтишган, ўз ортларидан бошқаларни эргаштирмоқдалар, меҳнат коллективини олиб юрайлик. Ташаббускор коммунист, моҳир ташкилотчи А. Никитин унга бир неча йил бошчилик қилди. У ўзининг ҳамкасблари — коммунистлар билан биргаликда қанчадан-қанча ёш ишчиларни тарбияламаган дейсиз. Ҳозир Никитин комсомол ишига ўтди. Ундан эстафетани Н. И. Лоскутова олди. Надежда Ивановна слесарь бўлиб, ёшларнинг севимли мураббийси эди. Цех партия ташкилоти секретарлигига сайланишни у юксак партиявий топшириқ деб қабул қилди, доимо масъулиятни ҳис этиб ишламоқда. Шунинг учун ҳам пресслаш-пайвандлаш цехида ёш коммунистлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу ерда ҳақиқий ўртоқлик, ўзаро ёрдам вазияти ҳукм сурмоқда. Ҳар бир киши ўз иши ва коллектив иши учун жон куйдиради. Бунинг натижаси яққол кўриниб турибди. Коллективда биронта ҳам қолоқ ишчи йўқ.

Коммунистик онглилик инсоннинг мезони бўлиб ҳисобланади. Коммунистик шанбаликлар ўтказиш эса унинг ҳаётий позициясидан гувоҳлик беради. Ўтган йили тракторсозлар қизил шанбалик куни юзлаб минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди, маблағни ўзининчи беш йиллик фондига ўтказишди. Бу йил доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишлаб, 22 апрель куни зарбдорона меҳнат қилишга аҳд қилишди.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш-нинг яна бир ёрқин мисолини келтириб ўтайлик. Завод уй-жой-коммунал ускуналар, нодир механизмлар ўрнатилган. Янги цехнинг ишга туширилиши билан автомобилларнинг ремонтда бўш туриб қолиши 15 процент қисқаради.

Бундан ташқари 2-техника хизмати кўрсатиш устахонаси учун участка реконструкцияси ниҳоясига етказилди. Бу ишлаб чиқариш участкаси такомиллашган ускуналар билан жиҳозланади. Устахонада ремонтдан чиқарилган машиналарнинг хизмат муддати анча узаяди, деталлар ва узелларнинг тез-тез ишдан чиқиши камаяди.

• 22 апрель—коммунистик шанбалик куни

Юксак унум билан

Москвадаги илғор корхоналарнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан 22 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказишдек ватанпарварлик ташаббусини бизнинг корхонамиз коллективи ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Маълумки, фабрикамиз меҳнатчилари ҳар йили меҳнат байрамида актив иштирок этади. Ўтган йили беш йиллик фондига 6 минг сўмлик иш ҳақи ўтказгандик. Бу йил ундан кўпроқ маблағ ажратамиз. Шанбаликка 1200 киши бир тан, бир жон бўлиб чиқиб, ўз станоклари ёнида юксак унум билан меҳнат қилади. Меҳнат байрамида 80 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 70 минг квадрат метр газлама, 5 тонна кабель калаваси, 2.5 тонна арқон ишлаб чиқарилади. «Коммунистик шанбалик куни ғоят унумли меҳнат қиламиз!» — бу ишчиларимизнинг ягона шиоридир.

Хизматчилар, транспортчилар меҳнат байрамида фабрика территориясини ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар. Улар шу куни 500 погон метрга яқин ариқни тозалаб, зилол сувнинг равон оқиши учун шай қилиб қўядилар. 250 туп гул ва дарахт кўчати ўтказадилар.

Р. ИКРОМОВ,
Тошкент каноп фабрикасининг директори, Ленин район Советининг депутати.

Имкониятларни ишга солиб

2521-автоколонна коллективи Москва ва Тошкентдаги илғор корхоналарнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига 22 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлади. Кўплаб шофёрлар ана шу куни юксак меҳнат кўрсаткичини қўлга киритишга азму қарор қилдилар.

Жумладан, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Николай Поспелов етакчиларидаги коммунистик меҳнат бригадаси шофёрлари меҳнат байрами куни минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришга аҳд қилдилар. Бу оддий иш куни топшириғидан бир мунча кўпдир.

— Айни кунларда, — дейди Н. Поспелов. — биз 1978 йилнинг май ойи ҳисобига ишлаяпмиз. — 22 апрелдаги зарбдор меҳнатимиз 1978 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятимизни муддатидан илгари бажаришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

С. Кательман. А. Кирсанов. А. Асадуллаев ва бошқа меҳнат илғорларимиз коммунистик шанбалинка юксак мажбуриятлар қабул қилдилар.

Апрель ойининг тўртинчи шанбасида автоколоннанинг 300 га яқин шофёри линияда бўлади. Ремонтчилар эса кейинги кунга автомобилларни тайёрлаш ишлари билан шуғулланишади.

Автоколонна хизматчилари ва инженер-техник ходимларининг планлари ҳам каттагина. Улар автокорхона территориясида тартиб ўрнатишиб, ариқларни тозалайдилар, автохўжаликка тегишли территорияни ободонлаштирадилар.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шуни маълум қиладики Тошкент шаҳар Советининг XVI чақириқ V сессияси шу йил 23 март куни соат 14.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй)да очилади.

Депутатларни рўйхатга олиш ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан бошланади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

Корхонанинг янги цехи

БУГУН

«Узмежавтотранс» бошқармасининг шаҳримиздаги 56-ихтисослаштирилган автомобиль корхонасида коленчатли ўқларни силлиқлаш учун мўлжалланган янги цехнинг қурилиши ниҳоясига етказилди.

Бу ерда мураккаб ремонт жараёнини амалга ошириш имкониятини берадиган ускуналар, нодир механизмлар ўрнатилган. Янги цехнинг ишга туширилиши билан автомобилларнинг ремонтда бўш туриб қолиши 15 процент қисқаради.

Бундан ташқари 2-техника хизмати кўрсатиш устахонаси учун участка реконструкцияси ниҳоясига етказилди. Бу ишлаб чиқариш участкаси такомиллашган ускуналар билан жиҳозланади. Устахонада ремонтдан чиқарилган машиналарнинг хизмат муддати анча узаяди, деталлар ва узелларнинг тез-тез ишдан чиқиши камаяди.

ҚЎШИҚ ОҚШОМИ

БУГУН

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг комсомол комитети бахор фаслига бағишлаб ҳар йилги қўшиқ оқшомларини бошлади.

Ҳафтада бир марта ўтказиладиган бу ўзига хос жозибали маданий тадбирда олий ўқув юртида таълим олаётган турли миллат ёшлари ўзларининг ижрочилик маҳоратларини намойиш қиладилар, баҳор фаслини мадҳ этувчи қўшиқлар ва рақсларни ижро этадилар.

Баҳор фасли оқшомларига институтнинг механика, саноат ва граждан қурилиши, қурилиш, эксплуатация, алоқа автоматикаси ва телемеханикаси, экономика инженерлиги факультетларининг студентлари катта тайёргарлик кўришган.

ЖАҲОН ЁШЛАРИ ВА СТУДЕНТЛАРИ ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

БУГУН

шу йил Кубада бўладиган жаҳон ёшлари ва студентларининг халқаро фестивали олдидан шаҳримизнинг маданият даргоҳларида хорижий студентлар билан учрашувлар ўтказиш бошланди.

СССР халқлари дўстлиги музейининг залларида шаҳримиз олий ўқув юртларида таълим олаётган Куба ва бошқа мамлакатларнинг ёшлари билан гавжум бўлди. Тўқимачилик ва енгил саноат, политехника, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтларининг турли факультетларида билим олаётган кубалик ёшлар тошкентлик тенгдошларига ҳозирги пайтда халқаро ёшлар ҳаракати. Гаванадаги фестивалга олиб борилаётган тараддуд ва уни муносиб кутиб олиш юзасидан ўқишда, меҳнатда янги ютуқлар қўлга киритилаётгани ҳақида гапириб беришди.



Мукаррам Пўлатова неча йиллардан бери «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалининг 5-цехида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозир у 1980 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Н. Хонкелдиев фотоси.

Бу учрашувга таклиф этилган В. И. Ленин номли республика марказий пионерлар ва ўқувчилар саройи тўгаракларининг қатнашчилари хорижий студентларнинг қаяконли ўзларини тинглаш билан бирга уларни бахтиёр ёшлик ҳақидаги қўшиқларини мароқ билан эшитишди.

Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантирамиз

АМАЛГА ОШМАЁТГАН РЕЖАЛАР

ЁКИ ТАШАББУС ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ЎТА ХОТИРЖАМЛИГИНИ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШ МУМКИН?

Ободонлаштириш ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар штабининг навбатдаги мажлиси ушбу кампаниянинг Октябрь районида қандай ўтаётганлигини муҳокама қилишга бағишланди.

Район ижроия комитетининг раиси А. Қодировнинг ҳисоботига қараганда, бу ерда шанбаликлар ва якшанбаликлар мунтазам ўтказилляпти. Уларда минглаб район меҳнаткашлари фаол иштирок этишмоқда. Барча микрорайонларнинг корхоналар, муассасалар, ўқув юртларига бириктириб қўйилганлиги бунда катта ёрдам бермоқда. Жойлардаги ободонлаштириш ишларини микрорайонларнинг штаблари координация қилиб турибди.

Тан олиш керак, Октябрь районида ташкилий тадбирлар жуда пухта ўйланган бўлиб, қоғозда камчилиги йўқдек кўринади. Амалда эса аҳвол қувонарли эмас — ўйлаб қўйилган ва белгиланган тадбирлар ниҳоятда суст амалга оширилмоқда. Шунинг учун бўлса керак районнинг аксарият кўчалари кўнгилсиз аҳволда. Навоий кўчасидаги пассажир транспорти бекатлари яхши тозаланмайди. Усмон Юсупов кўчасидаги суғориш шохобчалари ташландиқ ҳолда. пиёдалар юрадиган йўлкалар ремонтга муҳтож. Аносов. Улугбек. Самарқанд дарвоза. Олмазор кўчаларида аҳолат уюмларини учратиш мумкин.

Марказ—27 кварталида бўлсангиз шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтаётганлиги ҳаёлингизга ҳам келмайди. Бу ерда санитарияга ҳилоф аҳвол ҳукм сурмоқда. Уйларнинг оралиги тозаланмайди. Кўчат ўтказишни эса бу ерда ҳаёлларига ҳам келтиришмаган. Чамаси 49-ЖЭК раҳбарлари «режаларни тузиш билан» банд бўлишса керак. Вақоланки, шанбаликлар ўтказиб, аҳолини кенг жалб этиш вақти ўтиб бормоқда.

Халқ хўжалиги институтида ҳам бу муҳим ишга ўта хотиржамлик билан қараяпмоқда. Институт ҳовлиси кўпдан бери тозаланмаган, ҳар қадамда ахлат уюмларига дуч келасиз. Шу ердаги суғориш шохобчалари, гулзорларга кўпдан бери эътибор берилмаса керак.

Савдо ташкилотларининг ходимлари. ўрта махсус билим юртларининг, қатор саноат корхоналарининг коллективлари икки ойликни ўтказишда фақат назоратчи бўлиб туришибди.

Қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига ҳам жиддий эътирозлар бор. Ўзбекистон кўчасида маъмурий бино қурилмоқда. Лекин объектга кириш йўллари жиҳозланмаган. машиналар ювилмайди, натижада қурилишга туташ магистраль булғаняпти. 11-«Висотстрой» трестининг 35-қурилиш бошқармасида эса бу аҳволни хотиржамлик билан кузатишмоқда. Ўзбекистон 50 йиллиги проспектида 3/1 ва 3/2 турар жой биноларини бунёд этаётган 159-трестнинг 13-қурилиш бошқармаси коллективи ҳам шаҳримизни ободонлаштиришга лоқайдлик билан қарамоқда.

Текшириш вақтида қатор корхоналарнинг. ташкилот ва ўқув юртларининг раҳбарлари шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтаётганлигидан бехабар эканликлари аниқланди. Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантириш ташаббуси билан чиққан Октябрь районида аҳвол шундай эканлиги ачинарлидир.

Вақт кутиб турмайди. Кўчат ўтказиш йўл ва йўлкаларни ремонт қилиш. биноларнинг ташқи қиёфасини тартибга келтириш. кўчаларда ва турар жой кварталларида намунали озодалик ўрнатиш учун ҳар бир кундан унумли фойдаланиш керак. Бунда Октябрь районининг меҳнаткашлари ҳам актив иштирок этишлари лозим.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

БУГУН

Узбекистон ССР Архитекторлар союзининг уйида «Тошкент метрополитенининг архитектураси» деган мавзуда Бутуниттифоқ йиғилиши очилди. Унда архитектура соҳасида иш олиб бораётган Москва, Ленинград, Харьков, Киев, Минск, Тбилиси, Боку ва бошқа шаҳарлардан келган таниқли олимлар, мутахассислар иштирок этишмоқда. Улар беш ойдан буён шаҳримиз меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатиб келаётган метрополитен қурилиши билан танишишиб, ўзларининг мутахассис сифатидаги баҳоларини беришмоқда. Бу жуда муҳимдир. Чунки Тошкент ер ости қасри қурилиши давом этялти. Олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ер ости йўлининг янги трассалари ва бекатларини қуришда, унинг архитектурик шакли ва бадний безагини янада такомиллаштиришда катта ёрдам беради.

Биз ушбу сахифада меҳмонларни қизиқтириши мумкин бўлган айрим масалалар, жумладан, Тошкент метрополитени қурилишининг тарихи, унинг ўзига хос архитектурик томонлари, эстетик кўринишлари хусусида фикр юритамиз.



СУРАТДА: 8-шахтада меҳнат қилаётган қурувчилардан (чапдан) юклаш машинасининг машинисти Расул Қаршиев, лаҳимчилар бригадири Николай Ситников, лаҳимчи Анатолий Евдокимов ва лаҳимчилар бригадири Константин Виноградов. Уларнинг ҳаммаси метрополитен 1-участкаси қурилишида меҳнат қилишиб ҳозир «Октябрь революцияси» бекатидан «Ҳамид Олимжон» бекатигача бўлган майдонда бунёдкорлик ишларини амалга оширишмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ СОЛНОМАСИ

1971 йил 19 ноябрь Тошкент шаҳрида метрополитен қурилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1972 йил 20 февраль «Чилонзор» станциясида дастлабки куб метр тупроқ қазиб олинди.

1972 йил август «Чилонзор» ва «Собир Раҳимов» станциялари оралиғида туннель қазиш бошланди.

1972 йил ноябрь «Ҳамза» станцияси қуриладиган майдонга дастлабки бетон ётқизилди.

1973 йил апрель «Чилонзор» ва «Собир Раҳимов» станциялари оралиғида блокоукладчик ёрдамида бир ойда 152 погон метр туннель қазилиб, Бутуниттифоқ рекорди ўрнатилди.

1975 йил август «Собир Раҳимов» станциясининг платформа қисмига биринчи гранит плиталар ётқизилди.

1976 йил январь — февраль Анҳор канали остида туннель қазиш тугалланди.

1976 йил февраль «Ҳамза» ва «Комсомол» станциялари оралиғида очиқ усулда туннель қазишда яхлит-секцияли блоклар ўрнатиш бошланди.

1976 йил март «Ленин майдони» станцияси томонга қарата эректор ёрдамида туннель қазиш ишлари амалга оширилди.

1976 йил апрель, октябрь, 1977 йил январь. I, III, ва IV кварталда Тошкент метросозларига СССР Транспорт қурилиши министрлиги коллективлари ўртасидаги мусобақада ғолиб чиққани учун, СССР Транспорт қурилиши министрлиги ва темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

1977 йил март «Ленин майдони» ва «Октябрь революцияси» станцияларн оралиғида ўнг туннелда сўнгги лаҳим қазиш ишлари бажарилди.

1977 йил 26 июль «Собир Раҳимов» станциясига доимий электр қуввати уланди.

1977 йил 28 июль «Собир Раҳимов» станциясидан «Чилонзорга қадар дастлабки синов поезди ҳаракати йўлга қўйилди.

1977 йил 6 ноябрь Тошкент метроси станцияларн бўйлаб «зангори экспресс»ларнинг доимий ҳаракати бошланди.

Э Н Г учқур...

Тошкент Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг йирик саноат, илмий-маданий маркази ҳисобланади. У 25 минг гектардан зиёд майдонни ишғол қилади. Аҳолиси 1,8 миллион нафардан зиёд. Ҳисоб-китобларга қараганда, аҳоли сони 1990 йил охирига келиб, бир миллион 950 минг кишига етади, асримиз охирига эса қарийб уч миллионни ташкил этади.

Тошкент Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг биринчи саноат, илмий-маданий маркази ҳисобланади. У 25 минг гектардан зиёд майдонни ишғол қилади. Аҳолиси 1,8 миллион нафардан зиёд. Ҳисоб-китобларга қараганда, аҳоли сони 1990 йил охирига келиб, бир миллион 950 минг кишига етади, асримиз охирига эса қарийб уч миллионни ташкил этади.

Ўнинчи беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,5 марта ошади. Уй-жойлар, маданий-маиший ва граждан иншоотлари қуриш ҳажми ўсади. Уй-жойлар қурилиши беш йилликда 4,7 миллион квадрат метрга етади. Улар асосан бўш майдонларда барпо қилинади. Қорасув, Қўйлиқ, Юнусобод, Бешқайрағоч массивлари қурилиши тугалланади.

Шаҳарнинг кенгайиши сабабли шаҳарликларнинг бир кунлик йўл юриши ўртача 4.5 километрга ошади. Шунинг учун ҳаракатдаги транспортлар сони ҳар йили 560 дан 670 поездгача оширилиб борилади.

Шу туфайли шаҳар йўлларини қуришга кўплаб капитал маблағлар ажратилади. 75 километр магистраллар қурилади, 13 километр йўл, олтита кўприк ва учта йўл ўтказгич реконструкция қилинади. Янги 22 километр трамвай ва 6.5 километр троллейбус линиялари барпо этилади. Буларнинг бари шаҳарнинг марказий қисмида транспорт қатновини камайтириш, турар жой районларини, саноат корхоналарини, маданий-маиший ва маъмурий ташкилотлар марказлашган жойлар билан боғлаб, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилади.

Албатта бу вазифаларни бажаришда шаҳар транспортининг энг тез, замонавий тури бўлган метрополитен катта аҳамиятга эга бўлади. Метронинг биринчи навбати муддатидан ўн уч ой илгари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейи арафасида ишга туширилди. Мамлакатимизда еттинчи, Ўрта Осиёда биринчи ер ости йўли Давлат қабул комиссияси томонидан аъло баҳога қабул қилинди. Бу иншоот шаҳар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Тошкент шаҳрида аҳоли сони ўсиши ва территория диаметри бўйича 25 километрга узайгани туфайли метрополитен қуришга эҳтиёж тугилган эди. Ҳозир шаҳримизда ўнта маъмурий район бўлиб, улар йирик саноат комплексларига, шаҳардан ташқарида дам олиш ва спорт зоналарига эга. Кейинчалик метро йўллари Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен, Келес томонларигача узалди.

Шаҳарни комплекс ривожлантириш схемасига кўра, Тошкент метрополитенининг учта линияси ишлаб чиқилди. Улар пойтахтни турли турар жой районлари, саноат зоналари билан бирлаштиради.

Метро линиялари йўловчилар оқимини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Биринчи линия шаҳар марказини жанубий-гарбий саноат райони, трактор заводи ва Чилонзор райони билан боғлайди. Кейинчалик у шаҳардан ташқаридаги дам олиш зоналари, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларига қадар узайтирилади. Келажакда эса у электрлаштирилган темир йўл трассасининг давоми бўлиб қолади.

Иккинчи линия шимолий-гарбий зонани шаҳар маркази ва темир йўл вокзали орқали шарқий-шимолий зона билан боғлайди. Бу ўқ Тошкент Давлат университети, медицина ва политехника институтлари, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг турар жой райони ва жанубдаги дам олиш зонаси ўртасидан ўтади.

Учинчи линия Юнусобод массивидан бошланиб, шаҳар маркази ва авиавокзалдан ўтиб, Сергели турар жой массивига қадар чўзилади.

Тошкент метрополитенининг биринчи навбатининг ишга туширилиши катта социал ва маданий аҳамиятга эгадир. Ер остида чароғон қасрлар қуриш иши борган сари такомиллаштирилмоқда. Биз архитекторлар, лойиҳачилар, инженер-қурувчилар бу мақсадга эришиш йўлида содир бўлаётган қўплаб қийинчиликларни ҳал этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдамиз.

Метрополитен биринчи навбатининг технология ва конструктив лойиҳа ечимларини ҳал этишда, станцияларни безашда кўп ижодий куч сарф этдик. Бу масалаларни амалга оширишда шаҳардаги олтита энг йирик лойиҳа институтлари — «Ташметропроект», «ТашНИИПИгенплан», «Ташгипрогор», «ТашЗНИИЭП», «УзНИИПградостроительство» институтларининг архитекторлари ва инженерлари, экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатининг ҳайкалтарош ва рассомлари катта иш олиб боришди. Улар биргаликда Тошкент метрополитени тўққизта станциясининг архитектураси кўринишлари ва бадний безакларини яратишди.

Метрополитен қурилиши давом этмоқда. Айни кунларда ер устидаги вестибюллларни, станцияларнинг иккинчи тушиш жойларини, майдон ва кўчалар остидан ўтиш йўлларини қуриш, кичик архитектура формаларини ўрнатиш, ободонлаштириш ишлари бажариляпти.

Мана, ҳозирга келиб биз қувонч билан шаҳримизда архитектура ва санъатни, миллий анъаналар ва ҳозирги замон шаклларини ҳамда мазмунини ўзида акс эттирган замонавий иншоот бунёд этилди, дея айта оламиз.

В. РУСАНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

● ЭЛЕКТР ПОЕЗДЛАР ЧИЛОНЗОР ВА РЕВОЛЮЦИЯ ХИЁБОНИ ОРАЛИҒИДА БЕШ ОЙДАН БУЁН ҚАТНАБ ТУРИБДИ

● МЕТРОСОЗЛАР, АРХИТЕКТОРЛАР ВА РАССОМЛАРНИНГ МЕҲНАТИДАН ТОШКЕНТЛИКЛАР ФАХРЛАНИШМОҚДА

● ЕР ОСТИ ЙЎЛИНИНГ ҚУРУВЧИЛАРИ, СИЗГА ЯНГИ ТРАССАДА ҲАМ ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!

Буюртмалар— муддатидан илгари

Тошкент шаҳрида метрополитен қурилиши ҳақидаги ҳабарни ҳамшаҳарларимиз зўр қувонч билан кутиб олганлиги сир эмас. Метрополитен учун буюртмалар тайёрлаб бериш учун пойтахтимизнинг барча саноат корхоналари ғайрат билан меҳнат қилишди. Корхоналарда Тошкент ер ости йўли буюртмаларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди.

Партия ва ҳукуматимизнинг менга берган катта мукофоти бизнинг дўст ва ўзаро ҳамкор коллективимиз учун берилган мукофотдир. Коллектив муваффақиятига штамповкачилар д а н Р. Усмонов, С. Гавриленко ва Н. Панич, кесиш участкасининг ишчиларидан Д. Лисенко ва В. Краткин, разметкачи, С. Лапшов ва Г. Новиков, пайвандчи В. Герешенко ва А. Чайкин сингари ишлаб чиқариш илғорлари катта улуш қўшдилар. Улар кунлик топшириқларини ошириб бажариш билан бирга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришди.

Электр аппаратчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳам меҳнат галабасига эришдик. Қисқа муддатда метрополитен буюртмалари бажарилди. Метрополитен буюртмасини муддатидан илгари ишлаб чиқаргани учун бирлашмамиз коллективи Тошкент метрополитенини оталиққа олган корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Шу кунларда ҳам коллективимиз метрополитен иккинчи навбатининг буюртмаларини бажаришмоқда. Конструкторлари м и з бошқариш шкафларини тайёрлаб бериш учун техника ҳужжатларини ишлаб чиқишни бошлашди. Келажакда ер ости йўлининг барча станцияларида «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тамғаси қўйилган электр шчитлар ҳам ўрнатилади.

Г. ВЕНЦКОВСКИЙ,
«Средазэлектро а п парат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг штамповкачиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

● ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ИНШООТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тошкент метрополитенининг биринчи участкасини мамлакатимизда бунёд этилган ер ости қасрларининг энг мукаммали десак муболаға бўлмайди. 12,2 километр узунликдаги бу ер ости йўли жанубий-гарбий саноат зонасини, тўрт юз минг аҳолига эга бўлган Чилонзор турар жой районини, «Пахтакор» спорт комплексини пойтахтнинг маъмурий-маданий маркази билан боғлайди.

Метрополитеннинг инженерлик қурилмалари юқори сейсмик шароит, иссиқ иқлим, тупроқларнинг юмшоқлиги ва бошқа шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда яратилди.

Тошкент метросининг дастлабки метрлари шаҳарнинг транспорт катнови жуда зич бўлган Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб қазилди. Заминнинг инженерлик-геологик шароитларини ҳисобга олиб, туннелларнинг дастлабки қар юз метри чўян ҳалқалар билан қурилди. «Метрогипротранс» институти ёпиқ усулда туннель қуриш учун жуда чидамли темир-бетон ҳалқалар лойиҳасини ишлаб чиқди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Главстройиндустрия»га қарашли заводлари 1972 йил охирига келиб бундай материалларни серияли равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 1973 йилдан эса зилзилага чидамли бу конструкцияларни ишлаб чиқариш оммавий тус олди. Трассанинг 20—25 процент масофаси бурилишлардан иборатлигини ҳисобга олиб, «Ташметропроект» институти ижодкорлари чўян прокладкалар ўрнига темир-бетон блоклар яратиш натижасида кўплаб металлар тежалди.

Туннеллар яхлит деталларни монтаж қилиш, механик ва механизациялаштирилмаган қалқонлар воситасида қурилди. «Собир Раҳимов» ва «Чилонзор» станциялари оралиғида туннель очиш жуда қийин бўлди. Тупроқнинг юмшоқлиги натижасида механик шчитлар ерга ботиб кетиб, лойиҳада белгиланган ўлчамда туннель қазишга имкон бермади. Бундай ҳол такрорланавергач, қурилиш ишларининг суръати лойиҳада аниқланганидан 4 марта пасайиб кетди. Ана шундай сабабларга кўра, қурилишнинг биринчи участкасида механизациялаштирилган усулда ер ўйиш туннеллар қуриш ишлари умумий ҳажмининг 10 процентини ташкил қилди.

Ёпиқ усулда туннель қазиш жараёнида зилзилага чидамли йиғма темир-бетонлардан фойдаланишда унинг бир қатор камчиликлари борлиги маълум бўлиб қолди. У сейсмик белбоғларни монтажлашда кўп меҳнат сарф қилиниши, темир-бетон билан тупроқ орасини бетон қоришмаси билан тўлдиришда кўп материал сарфланишида айниқса, яққол намоён бўлди. Шунинг учун конструкцияни такомиллаштириш ҳусусида иш олиб борилади ва ҳалқа билан тупроқ оралиғини бетон билан дастлабки шиббалаш жараёнлари бирмунча яхшиланди, сифат ўсди. Ҳозир Тошкент метро қуриш трестида зилзилага чидамли янада такомиллаштирилган конструкциялардан фойдаланиш борасида дастлабки тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

«Пахтакор» ва «Ленин майдони» станциялари оралиғида механизациялаштирилган ва механизациялаштирилмаган усулда туннель қазиш бўйича иккита тажриба участкалари қурилди. Бундан мақсад Тошкентнинг инженерлик-геологик ва юқори сейсмик зоналарида прогрессив конструкциялардан фойдаланиш натижасида қандай ютуқларни қўлга киритиш мумкинлигини синаб кўриш эди.

Шаҳарнинг йирик канали — Анҳор остидан туннель ўтказиш ҳам анча мураккаб бўлди. Лойиҳага кўра оқимни бошқа тарафга буриш керак эди. Сувни икки ой оқизмаслик мумкинлигини ҳисобга олиб, Анҳорни бошқа ердан оқизишдан воз кечилди. Қисқа муддатлар, қийин шароитларда туннель қазилди ва маълум вақтдан кейин бетонланган Анҳорга яна сув қуйилди.

«Ленин майдони» ва «Октябрь революцияси» бекатлари оралиғидаги туннелни очиқ усулда қазиш кўзда тутилган эди. Революция Хиёбонига, марказдаги кўп йиллик дарахтларга зарар етказмаслик, сергатнов кўчаларда транспорт қатновини бўғиб қўймаслик ҳақидаги илтимосга кўра, бу участкада туннель қазиш ишлари ёпиқ усулда олиб борилди.

«Чилонзор» ва «СССР 50 йиллиги», «Ҳамза» ва «Комсомол» бекатлари оралиғидаги туннеллар очиқ усулда қазилди. Айрим участкалар йиғма деталлар камчилиги учун ҳалқаларни монтажлаш ўрнига яхлит ҳолда қурилди. Қурувчилар арматуралардан синчлар тайёрлашда қатор қийинчиликларга дуч келишди. Арматуралар қурилишнинг ўзида монтажланди. Кўчма металл қолиплардан фойдаланиш туфайли иш бир мунча енгиллашди, лекин иш суръатини ўстириш масаласини ҳал этгани йўқ.

1976 йилда қурилишда яхлит секцияли деталлардан фойдаланилиши Тошкент метроси қурилишида катта босқич бўлди. Заводларда катта ҳажмдаги темир-бетон блокларини тайёрланилиши туфайли уларни қурилишда монтаж қилиш тезлашди, ишчи кучи, материал ресурслари кам сарфланди.

Тошкент метроси қурилишида қўлга киритилган муваффақиятларда мамлакатимиз метросозлари, лойиҳачилари, саноат корхоналари ишчиларининг ҳиссалари катта бўлди. Тошкентлик метро қурувчилар билан биргаликда Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Боку метросозлари ҳам ҳамкорликда меҳнат қилишди. «Ташметропроект» институти «Метрогипротранс» институти ва унинг филиаллари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг механика ва иншоотлар сейсмологияси институти «ЦНИИС» ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда иш олиб бордилар, ҳозир ҳам ижодий алоқалар борган сари мустаҳкамланмоқда.

Г. ОГАНЕСОВ,
«Ташметропр о е к т» бош инженери.

Ер ости қасрининг жамоли

Метрополитен станциялари ер устн иншоотлар архитектурасидаги асосий тенденциялар асосида ер остн шаҳарчалари объектларига мос ҳолда лойиҳалаштирилган. Ҳар бир бекатнинг жамоли ўзига хослиги билан бошқалардан ажралиб туради. Уларнинг ҳаммаси яхлит архитектурик ансамблни ташкил этади.

«Собир Раҳимов» бекати

Бу станциянинг шиплари, ёритгичлари оригинал қилиб ишланган. Квадрат шаклидаги устунлари Нуротанинг оқ мармари билан, йўлак деворлари Ғозғонининг ёрқин тусдаги мармари билан жилоланган. Залнинг марказида олтита пилон бўлиб, улар Ёмелановскдан келтирилган қизил мармардан тайёрланган. Улуғ Ватан уруши ҳусусида ҳикоя қилувчи рельефлар билан безатилган. Вестибюлларга «Ғалабага салют» ва «Генерал Собир Раҳимов» кошинкорлик паннолари ўрнатилган. Станциядаги безаклар Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган буюк ғалаба, унда ўзбек жангчиларининг иштироки, Генерал Собир Раҳимовнинг қаҳрамонлиги ҳусусида ҳикоя қилади.

«Чилонзор» бекати

Станциянинг гумбазлари ўзига хосдир. Платформа қисми тўққизта вертикаль устунлар билан ажратилган. Залнинг чап ва ўнг деворларини керамик паннолар безаб турибди. Уларда халқ ҳаётидан олинган жўшқин манзаралар моҳирона тасвирланган. Латундан ишланган тўққизта ҳалқали қандиллар юксак дид билан ўйиб ишланган.

Йўлак деворлар Нуротанинг оқ мармари, қорамтир гранит тошлар билан қошинланган.

«СССР 50 йиллиги» бекати

Авторлар станция кўринишини композицион жиҳатдан оддий қилиб яратишган. Бекатда тантанаворлик бўртиб туради. Оддий типовой колонналар қизил гранит билан қопланган бўлиб, у худди платформа қисмига байроқлар тиклангандай кўринади. ССР Иттифоқи герблари ишланган байроқлар, ўн беш республиканинг байроқлари кишиларда тантанавор кайфият уйғотади.

Бекат ёрқин рангларда безатилган. Йўлак деворлари Ғозғон мармари билан, полларн Оқтоғ гранити билан жилоланган.

«Ҳамза» бекати

Яхлит гумбазли бўлиб, унга вестибюллар ва платформа қисмлари бирлашиб кетган. Архитекторлар станцияни ёритишга алоҳида эътибор беришган. Бекатнинг марказида катта ҳажмдаги олти қиррали ёритгич ўрнатилган. Вестибюль ва платформага яккаякка чироқлар монтаж қилинган.

Бекатнинг марказий қисмини «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — революцион демократ шоир» мавзуидаги мозаик панно безаб туради.

«Комсомол» бекати

У колонна типида. Бекатда ишлатилган ригелларга ганчдан чиройли безаклар ясалган. Панелларга бронзадан комсомол орденлари ишланган. Архитекторлар замонавий транспорт иншоотини монументал-декоратив санъат усуллари ва меъморчилик шакллари асосида яратишга уриниб кўришган ва бу масалани ижобий ҳал этишган.

Станцияни ёритишда ҳам оригинал йўл танланган. Шипни ташкил этган плиталар оралиғига чироқлар ўрнатилган. Колонналар катта-катта бўлиб, шакли тўғри тўрт бурчакли, Ғозғон мармари билан кошинланган. Платформанинг йўлак деворлари Гороховдан келтирилган қизил мармар билан қопланган.

«Халқлар дўстлиги» бекати

Колонналари серқирра бўлиб, улар Нуротанинг оқ мармари билан қопланган. Бекатнинг авторлари бу ерда мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошликни меъморчилик санъати воситасида ифодалашга муваффақ бўлишган.

Станция пролетларига штампланган алюминлар ёпиштирилган. Уларнинг ҳар бири эллипс шаклига эга. Зал бир меъёрда ёритилган. Бу эса кошонага ёрқинлик бахш этган.

Бекатнинг марказига СССР герби ўрнатилган. Зал деворларига эса Иттифоқдош республикаларнинг герблари мисга ўйиб ишланган.

«Пахтакор» бекати

Бу станция ҳам колонна типида қурилган. Авторлар эътиборларини ранглардан унумли фойдаланишга қаратишган. Метрополитен бекатларини пардозлашда қимматбаҳо мармар ўрнига полихром керамикаси ҳам ишлатилган.

Устунлар ёрқин тусли мармар билан қошинланган. Колонналарнинг учига ўзбек миллий ўймакорлик нақшлари туширилган алюмин плафонлар ўрнатилган.

Йўлак деворларида оч ҳаворанг, зангори, керамик плиткалар бўлиб, уларга пахта чаноғининг расми туширилган. Мамлакат метросозлигида биринчи бўлиб бу ерда станцияларни жилолашда чиганоқ тошлардан фойдаланилди.

«Ленин майдони» бекати

Муаллифлар олдида тантанавор руҳдаги зал лойиҳасини яратиш вазифаси турарди. Улар технологик жараёнларни мукаммал билишлари, архитектура, декорация ечимларини муваффақиятли ҳал этишлари туфайли катта мақсадга эришишди. Бекатдаги ҳамма нарса янгилиги, тантанаворлиги билан бошқа станциялардан ажралиб туради.

Шипни қуришда замонавий технология асосида тайёрланган йиғма конструкциялардан, миллий нақшли темир-бетон плиталардан фойдаланилган.

Марказий пролетда платформа бўйлаб 17 та катта гумбазлар, 100 та кичик гумбазлар қурилган. Станция гумбазларига ўрнатилган қандиллар воситасида ёритилади. Қандиллар оддий шишадан тайёрланган бўлиб, улар узум ғужумига ўхшаб кетади.

Йўлак деворлари ёрқин тусли Ғозғон мармари билан жилоланган. Саккиз қиррали устунлар оқ мармар билан сайқалланган. Деворнинг 12 метрига «В. И. Ленин ва Шарқ халқлари» темасидаги бронза панно ўрнатилган.

«Октябрь революцияси» бекати

Бу бекатда Октябрь революцияси ва Ўзбекистон мавзусидаги архитектурик усуллар ва момументал декорация санъатининг намуналари ўз аксини топган. Шипнинг марказий қисмида квадрат шаклидаги чуқурчалар бўлиб, уларнинг ҳар бирига ганчдан нақшлар ўйилган ва уларнинг ўртасига ёритгичлар монтаж қилинган.

Зинапоя деворларига қизил гранит ёпиштирилган. Уларга революция рамзи сифатида байроқлар барельефи ўйиб ишланган.


Йўлак деворлари Ғозғон мармари билан жилоланиб, турли мавзудаги тематик паннолар ўрнатилган. Панно мисга ишланган. Барельефлар Россиядаги революция воқеалари, Ўзбекистонда революцион ҳаракатнинг бошланиши ва инқилобнинг ғалабаси ҳусусида ҳикоя қилади.

М. ОБИДЖОНОВА,
архитектор.

Ушбу суратларда «Собир Раҳимов» ва «Чилонзор» бекатлари тасвирланган.

Д. Михайлов фотолари.





ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. РАЖАБОВ: Мамлакатимизда аҳолиси сони миллион кишидан ортган нечта шаҳар бор?

Жавоб: СССР Марказий Статистика Бошқармасининг маълумотига қараганда, ҳозир мамлакатимизда аҳолиси сони 1 миллион кишидан ортган 16 та шаҳар бор. Булар — Боку, Горький, Днепропетровск, Киев, Куйбишев, Ленинград, Минск, Москва, Новосибирск, Одесса, Омск, Свердловск, Тошкент, Тбилиси, Харьков, Челябинск шаҳарларидир. Днепропетровск шаҳрининг аҳолиси 1977 йилда миллионтага етди. Яқин бирнеча йил мобайнида «миллионер» шаҳарлар сони ортиб, улар қаторига Ереван, Донецк ва Пермь шаҳарлари қўшилиши мумкин.

* * *

Г. ОБИДОВ: тўрт йилдан бери корхонада ишлайман. Уч ой муқаддам бошқа цехга ўтдим. Мен шундай шароитда кредитга буюм олсам бўладими?

Жавоб: Бир жойда мунтазам олти ой ишлаган ҳар қандай ишчи ва хизматчига кредитга буюм сотилади. Шу корхонанинг ўзида бир цехдан иккинчисига ўтиш кишининг кредитдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

* * *

Д. МИРСУЛТОНОВА, Ҳ. ИБРОҲИМОВ: Биз студентлар баъзи ўқув қўлланмаларини Москва ва Ленинград китоб магазинларидан почта орқали олишимиз мумкинми? Бу китобларни харид қилиш ҳақида ва Ленинграддаги китоблар уйи адреси ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзингизга керакли китобларни бошқа шаҳарлардаги магазинлардан олиш учун шаҳримиздаги «Книга — почтой» бўлган магазинга ўша китобни сўраб мурожаат қиласиз. Сўрайдиган китобингизнинг автори, номи, қайси нашриётдан чиқарилгани аниқ ёзасиз. Бундан ташқари, ўз адресингиз (почта индексини кўрсатиб), исм ва фамилиянгиз тўғри ёзилиши лозим. Почта томонидан юборилган китобни ўз яқинингиздаги почта бўлимидан китоб пулини ва почта ҳақини тўлаб оласиз. Ленинграддаги китоблар уйининг адреси қуйидагича: Ленинград. Д—88, Невский проспекти, 28-уй.

* * *

К. МИРҲОДИЕВ: Тошкентда фин ҳаммомлари бор деб эшитдим. Шу гап тўғрими?

Жавоб: Тошкентда иккита фин ҳаммоми бор. Буларнинг бири Лабзак кўчасида, Алоқа политехникуми ёнида жойлашган. Яна бири эса Беруний проспектида фойдаланишга топширилган замонавий ва чиройли услубда қурилган ҳаммомдир.

КУЧА ТАСВИФЛАРГА ТЎЛА ҒАЙ АХБОРОТИ

Исмоил Ризаев кеч соат тўққизларда Шота Руставели кўчаси бўйлаб РВЗ—6 2107 номерли трамвайни бошқариб борар эди. У йўлда кета туриб шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртининг 13 ёшли ўқувчиси Абдул ўғли Осмонни уриб юборди. Жабрланувчи бош мияси қалқиган ҳолда тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария қисмига келтирилди.

Ана шу ҳодиса тафсилотлари таҳлил қилингач, кўчанинг, пиёдалар учун ўтиш зонаси бўлмаган қисмини кесиб ўтаётган жабрланувчининг ўзи бунга сабабчи бўлганлиги аниқланди.



ШАҲРИМИЗДА ЯГОНА

Шаҳримизнинг Фрунзе районида яқинда болалар стоматологияси поликлиникаси ишга туширилди. Поликлиника коллективи райондаги мавжуд 16 та ўрта мактаб ўқувчилари ва шу ерда истиқомат қилувчи оилаларнинг фарзандларига намунали медицина хизмати кўрсатмоқда. Бу тиббий шифохона энг замонавий стоматология-медицина асбоб-ускуналари ҳамда техникаси билан жиҳозланган. Поликлиникада 50 врач ва медицина ҳамширалари ёш авлодга намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу поликлиника Тошкент Медицина институти болалар стоматология кафедрасининг тажриба базаси ҳисобланади. Чунки у шаҳримизда ягонадир. Кейинчалик бундай шифохоналарни, пойтахтимизнинг барча районларида ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Мана бу фотолавҳада стоматолог, биринчи категорияли врач Владимир Букарев ҳамшира Светлана Бобоева билан ўқувчи Абдугани Парпиевнинг тишини даволашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

◆ СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

Газетхон саволларига жавоб

Н. МАДУМАРОВА: Менинг Равшан исмли ўғлим тез-тез йўталиб, уйқуси қочиб, иштаҳаси бўғилянти. Врачларга олиб чиқсам, унинг кўк йўтал билан оғриганини айтишди. Иложи бўлса, ана шу касаллик ҳақида, уни даволаш йўллари тўғрисида маълумот берсангиз.

Жавоб: Кўк йўтал жуда юқумли касаллик ҳисобланади. Бола қанчалик ёш бўлса, унга кўк йўтал шунчалик хавфли. Бу касалликка хос белги шуки, бола қув-қув йўталиб, нафаси ичига тушиб кетади. Касаллик юқиб, икки ҳафта ўтгач, бола шундай йўтала б о шлайди, кўпинча йўталиб, қайт қилади. Бемор озади, уйқуси қочади, иштаҳаси бўгилади, ранги бўзаради. Бемор яхши парвариш қилинмаса, кўк йўтал уч ойгача давом этиши мумкин.

Бемор учун энг зарур нарса— соф ҳаводир. Ёзда, баҳорда ва эрта кузда бола кун бўйи очиқ ҳавода бўлиши, кишда эса камида 5—7 соат ташқарида юриши керак. Соф ҳавода беморнинг аҳволи енгиллашади, йўтали камаяди, уйқуси ва иштаҳаси яхшиланади. Бундай беморни тез-тез овқатлантириш керак. Овқатлар турли-туман бўлиши лозим. Беморга ҳўл мева, сабзавот ёки уларнинг суви кўпроқ бериб турилиши керак.

Вола одатда «нафаси ичига тушиб кетишидан» жуда қўрқади ва шу сабабли баттар йўталади. Шунда теварак-атрофдагилар унинг қаддини кўтариб, бошини пича пастроқ тутишлари лозим. Кўк йўталга қарши эмлаш дифтерияга қарши эмлаш билан бир вақтда ўтказилади.

* * *

Г. ШОРАСУЛОВ: Баъзан кишилар самолётда учганда, поезд ва автомобилда кетаётганда, аргимчоқда тез учганда бошн айланади. Бундай ҳолат денгизда кетаётганда ҳам рўй беради. Буни кўпчилик денгиз касаллиги деб ҳам атайди. Ана шу хасталик белгиларн ҳақида маслаҳат беришингизни илтимос қилар эдим.

Жавоб: Денгиз касаллиги кема чайқалганда рўй берадиган касаллик ҳолатидир. Самолётда учганда, поезд ва автомобилда кетаётганда, аргимчоқда тез учганда ва бошқа ҳолларда ҳам денгиз касаллигига хос белгилар пайдо бўлади. Бунда беморнинг кўнгли айниб қусади, ранги ўчади, кўп терлайди, боши айланиб огрийди, дармонсизланади, томири кучсиз уради, лоқайд бўлади.

Денгиз касаллигида ички қулоқнинг вестибуляр аппарати, шунингдек қорин бўшлиғи ва кўкс оралиғи рецепторлари таъсирланади. Денгиз касаллигининг пайдо бўлиши ва авж олишига нерв системаси ҳолати ҳам кўп жиҳатдан сабабчи бўлади. Масалан, кучли пўртана турганда кемага хавф таҳдид қилиб турибди, деб сигнал берилиши билан кўпчилик йўловчиларда денгиз касаллигининг барча белгилари йўқолади. Баъзан йўловчиларда эса, аксинча кемага ўтиришн билан касаллик белгилари рўй беради. Бу хасталикда ётиш керак, аэрон, атропин, бромидлар ичиш керак. Кемада кетаётганда бирор нарса билан машғул бўлиш, нордон конфет ёки витамин шимиб денгиз касаллигининг олдини олишда яхши фойда беради.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ГРУЗИЯ КУРОРТЛАРИ

Грузиядаги Уреки курортида янги дам олиш базаси қурила бошланди. Беш гектар майдонда барпо этиладиган комплекс марказида санаторий-профилактория нинг саккиз қаватли корпуси қад кўтаради.

Бу йил Кобулетида қарийб минг кишига мўлжалланган янги санаторий дастлабки дам олувчиларни қабул қилади. Даволаш корпуси бўлган пансионат қурилмоқда. Боржомида «Тоғ дарасн» деб аталган яна бир даволаш комплекси яқин вақт ичида ишга тушади.

Ҳурматли редакция! Мен бир дардга йўлиқдим. Бу хасталикнинг номи экстросистолия экан. Шу касалликнинг келиб чиқиши, давоси ва олдини олиш ҳақида мутахассис шифокорнинг маслаҳатини беришингизни сўрайман.

Жунайдулла АБДУЛЛАЕВ, пенсионер.

ОҚШОМХОН ИЛТИМОСИ

Экстросистолия: бу қандай хасталик?

Соғлом кишининг юраги ҳар минутда 72 мартадан 80 тагача қисқаради. Юрак бўлмача ва қоринчаларининг қисқариб ва кенгайиб туриши нормал қон айланиши ҳамда ҳужайра ва тўқималарни етарли даражада озуқа моддалари ва кислород билан таъминлайди. Юракнинг навбатдан ташқари қисқаришига экстросистолия дейилади. Юракнинг қисқариши ва ҳаракатга келишига юракнинг ўнг бўлмачасида жойлашган синус тугунчаларида пайдо бўлувчи ва юрак мускул толаларини қўзғатувчи импульслар сабаб бўлади.

Экстросистолия юрак аритмиясининг бир тури бўлиб, аритмиянинг яна бошқа хиллари ҳам мавжуд. Лекин аритмиянинг бу формаси (экстросистолия) эркак ва аёлларда кўп учрайди. Аёлларда кўпинча министрация ва хомиладорлик даврида, эркакларнинг ўрта ва кексайган ёшларида, айниқса атеросклероз касаллиги билан оғриганларида кўп учрайди. Экстросистолия катталар билан бир қаторда болаларда ҳам учрайди ва айниқса балоғатга етган ўсмирларда бу хилдаги аритмия кўпроқ учрайди.

Экстросистолиянинг келиб чиқишида марказий нерв системаси кўпроқ сабабчи бўлиб, одамнинг кайфияти бузилганда, кўнгилсиз воқеалар рўй берганда, кўркиш, ҳаяжонланиш ёки шошиб қолиш вақтларида юрак навбатдан ташқари қисқариб экстросистолиянинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунда бўйрак усти безларидан ажралувчи катехоламин гармони кўплаб чиқа бошлаб, юрак мускулларини қўзғатади ва экстросистолияга сабаб бўлади.

Экстросистолия, яъни навбатсиз импульслар юрак қоринчаси, бўлмачаси ва тугунчаларидан чиқиши мумкин. Баъзан бўлмачадан чиқувчи экстросистолия мерцания аритмиясининг жарчиси бўлади. Юрак қоринчаларидан чиқувчи экстросистолалар стенокардия ҳуружидан олдин кўринади.

Академиклар Е. И. Чазов ва П. Е. Лукомскийлар маълумотлари бўйича, ўткир инфаркт миокарди касаллиги бошланиш даврида 67 процентгача экстросистолия учрайди.

Юрак қоринчасидан экстросистолияни н г чиқишига баъзи хил дориларни, жумладан дигиталис, хинидин, новокаинамид, новокаин ва бошқа шу каби дориларнинг кўп истеъмол қилиниши натижасида препаратларнинг заҳарли таъсири сабаб бўлади. Аммо бу юқорида кўрсатилган препаратлар экстросистолиянн даволашда врачлар кўрсатмаси билан қўлланилади.

Экстросистолия яна қорин терламаси, вабо, токсик ангина, септик эндокардит, зотилжам ва шунга ўхшаш қатор ўткир инфекцион касалликларда ҳам кўплаб учрайди. Бундан ташқари, экстросистолия мураккаб операциялар ўтказиш даврида ва операциядан сўнг ҳам кўрилади. Бунга операция давомида ҳужайралардан калий ва натрий туз эритмаларининг кўплаб ажралиши, қон кетиш ва беморга таркибида калий тузлари кам бўлган суюқлик кўп миқдорда қуйилиши сабаб бўлади. Экстросистолия кўпинча электростимуляция ва электроимпульсац и я йўллари билан юрак мускуллари фаолиятини кучайтириш вақтида ҳам баъзан келиб чиқади.

Ҳозирги кунда экстросистолиянинг келиб чиқиш сабаблари тўла аниқланмаган. Бу касалликнинг келиб чиқишига синус тугунчаларидан чиқувчи импульсларнинг юрак мускул толаларига тарқалишининг бузилиши, ташқи муҳитнинг салбий таъсири ҳамда юқори бўлиши бир ой давомида сақланиб туради. Бу даврда буйрак усти безида адреналик ва норадреналик гармонларининг миқдори камайиб кетади.

Шундай қилиб экстросистолия, яъни юракнинг навбатдан ташқари қисқариши юрак бўлмачаси, қоринчаси ёки тугунчаларида навбатдан ташқари ҳосил бўлувчи импульслар таъсирида вужудга келади. Шунинг учун улар бўлмача, қоринда ёки юрак тугунчаларидан чиқувчи экстросистолиялар деб аталади. Беморда экстросистолия клиник ва электрокардиограмма ёрдамида текшириб аниқланади.

Маълумки, электрокардиограмма 5 та тишча ва 3 интервалдан и б о р а т бўлиб, экстросистолияда шу тишларнинг ҳажми ва шакли ўзгаради. Синус тугунчасидан, юрак бўлмачаси ёки қоринчасидан чиқаётган экстросистолия электрокардиог р а ммада ҳар хил манзара беради.

Экстросист о л и я нинг клиник кўриниши қандай бўлади?

Экстросистолия клиникаси асосан уни келтириб чиқарувчи касалликлар клиникасига боғлиқ. Экстросистолия ҳар хил юрак ва томир касалликларидан келиб чиқади. Баъзан у юрак ва томирлари касал бўлмаган беморларда ҳам учрайди. Кўпинча юракнинг органик касаллигида учровчи экстросистолия бемор томонидан сезнлмаслиги ҳам мумкин, лекин юраги соғ бўлиб, нерв системасининг чарчаши ёки қўрқиши натижасида келиб чиқувчи экстросистолияни касал сезади ва ўзини ёмон ҳис қилади. Бундай бемор юрак соҳасида урилиш сезади, унинг боши айланади. Бемор бош мияси ва ютқинига қон тўлқинининг урилишини ҳис қилади. Юрак мускулининг ёки юрак қопқоқчаларининг оғир жароҳатланиши экстросистолиянинг группа-группа бўлиб ҳамда юракнинг ҳар хил қисмларида пайдо бўлишига сабаб бўлади. Экстросистолия кетмакет, яъни юрак бўлмачаси, тугунчаси ёки қоринчасидан чиқиши мумкин. Бунга сабаб беморнинг узоқ вақт гликозидлар ёки пешоб ҳайдовчи дориларни истеъмол қилиши, юрак мускулларида натрий ҳамда калий тузларининг камайиши бўлиб, бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Кўпинча экстросистолия билан юракнинг нормал фаолияти навбатма-навбат бўлиши мумкин. Бундай қисқаришлар тартибли ва тартибсиз ҳам бўлади. Экстросистолиян и н г юракни нормал қисқариши билан тартибли равишда алмашнувини медицинада аллоритмия (бигеминия, тригеминия, квадригеминия ва бошқалар) деб аталади. Аллоритмия юракнинг органик жароҳатланиши ёки нерв система хизматининг издан чиқиши натижасида вужудга келади.

Экстросистоли я н и беморнинг томиридан ҳам аниқлаш мумкин: томир кетма-кет ва тез-тез уриши ёки секинлашиб тартибсиз бўлиши. тўла ва кучли тепиши мумкин. Томир уришини бирбиридан узоқлашиши қоринчадан чиқувчи экстросистолияда кўрилади. Юрак соҳаси стетоскоп ёрдамида эшитилганда юракнинг тартибсиз. тоҳ кучли. тоҳ кучсиз қисқариши эшитилади.

Экстросистолия диагностикаси унча қийин эмас, уни клиник ва медицина аппаратлари (рентген, кардиомонитор) ёрдамида билиш осон. лекин экстросистолия топикаси, яъни унинг юракнинг қайси бир соҳасидан чиқиши электрокардиограмма ёрдамида аниқланади. Экстросистолия оқибати (прогнози) уни келтириб чиқарувчи асосий юрак касаллиги тури ва характерига боғлиқ. Тез-тез ва кетма-кет чиқувчи экстросистолия юрак ишининг етишмаслигига ва қон айланишининг бузилишига олиб келади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, экстросистолия инсон ҳаётида бир марта қисқа вақт ичида пайдо бўлади ёки бир бошланган экстросистолия ҳаёт охиригача давом этиши мумкин. Умуман экстросистолия аритмияси бошқа аритмияларга нисбатан ёмон оқибатларга олиб келмайди. Соғлом юракдан чиққан экстросистолия хавфли эмас. лекин буни органик касалга дучор бўлган юрак касаллигидан чиқувчи экстросистолия тўғрисида айтолмаймиз.

Қон босими касаллигига учраган кексаларда экстросистолиянинг чиқиши юрак томирларида (венечник) склероз бошланганлигини кўрсатади. Практикада ўткир инфаркт даврида экстросистолиянинг кетма-кет пайдо бўлиши ёмон оқибатлар бериши мумкин. Яна жисмоний меҳнат қилиш даврида экстросистолиянинг кўринишн ҳам юрак органик касал эканлигини кўрсатади ва ёмон натижаларга олиб келади. Баъзан юрак бўлмачасидан чиқувчи экстросистолия мерцания аритмиясининг бошланишидан далолат беради.

Хўш, экстросистолия қандай даволанади?

Марказий нерв системасининг чарчаши. бемор кайфиятининг бузилиши натижасида келиб чиқувчи экстросистолиянинг олдини олиш учун беморга тинч шароит. руҳий тинчлик яратиш. иш ва турмуш шароитини яхшилаш. овқатланиш ва дам олишни тартибга солиш лозим бўлади. Тинчлантирувчи дорилардан бром. валериан, трионксазин. эленнум ва ухлатиш дориларни врач кўрсатмаси билан тайин қилинади.

Экстросистоли я н и даволаш учун кўп йиллардан бери бир қатор дорилардан фойдаланиб келинмоқда ва шу билан бирга сўнгги йилларда ҳам бир қанча янги препаратлар муваффақиятли ишлатилмоқда. Масалан, кўпдан бери синалган дорилардан изоптин. калий тузи эритмалари ва баъзан хинидин мускулларга ва қон томирларига юбориш учун эса аймолин. кокарбоксилаза ҳамда новокаинамид қўлланилади. Юқорида кўрсатилган бу препаратлардан ташқари кейинги йилларда янги дорилардан панангин. верапамил. лидокаин. хинғамин ва бошқалар экстросистолияни даволашда кенг фойдаланилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки. бу дорилар врач назоратисиз ишлатилса. беморга фойда эмас. аксинча зарар келтириши мумкин.

К. ИЎЛДОШЕВ,
медицина фанлари докторн, профессор.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

Институт юбилейи

БУДАПЕШТ. Венгриянинг энг йирик илмий муассасаларидан бири—алоқа техникаси илмий-тадқиқот институти ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонламоқда. Ўтган йиллар мобайнида институт социалистик иқтисодий интеграция доирасида мураккаб вазифаларни ҳал этишда актив қатнашди. Институт ВХРда алоқа воситалари ишлаб чиқаришни тобора кенгайтириш, уларнинг техникавий даражасини оширишда катта роль ўйнамоқда.

90 мамлакатда машҳур

БУХАРЕСТ. Бундан 31 йил муқаддам Руминияда ишланган биринчи трактор Брашов трактор заводи дарвозасидан чиқарилган эди. У совет лицензиясига мувофиқ тайёрланганди. Ўтган йиллар мобайнида саноатнинг шу тармоғи тез ривожланди. Ҳозирги вақтда Брашов заводи ўнлаб нусхали 30 типдаги машина ишлаб чиқармоқда.

Руминия тракторлари эндиликда барча қитъалардаги 90 мамлакатда машҳур бўлиб қолди. Республиканинг тракторсозлик корхоналари ҳар йили 50 мингдан кўп замонавий машинани чет элларга чиқармоқда.

«Роминия либерэ» газетасининг ёзишича. тракторсозлик соҳасида Совет Иттифоқи билан кооперация ва ихтисослаш катта аҳамиятга эга. Ихтисослаш ва кооперация тракторлардан бошлаб турли қишлоқ хўжалик машиналаригача бир неча хил маҳсулотни ўз ичига олмоқда.

Метронинг иккинчи навбати

ПРАГА. Прага метрополитени иккинчи навбатининг тоннелларини қазиш ниҳоясига етди. 5,3 километр узунликдаги бу трассада 7 станция бўлади. Янги линияда қатнов шу йил август ойида бошланади.

— Бизнинг трассамизда ишлар тамом бўлди,—деди ТАСС мухбирига Прага метроси қурилишининг бош геодезисти Ф. Шилар. — Тоннелларнинг йўналишини аниқ белгилаш учун биз бутун трассанинг математик моделини яратдик. 5 километр узунликдаги участкада тоннель 16 қисмга бўлинди. Айни вақтнинг ўзида бир неча жойдан тоннель қазиш ишлари бошланди ва мураккаб геологик шароитга қарамай тоннель ҳар бир қисмининг аниқлиги 10 миллиметргача етди. Совет оптик приборлари механизациялашган проходка ишларини йўналтириб турди. Прагаининг янги ер ости трассасида яқинда чироқлар ёна бошлайди. Поездлар қатнайди, станциялар пассажирлар билан тўлади.

Эрдэнэт шаҳрига ёрдам

УЛАН-БАТОР. МХР халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири— геология ишончли ёрдамчига эга бўлди. Монголия давлат университетининг ядро тадқиқотлари лабораторияси геологларга ёрдам бера бошлади. Республиканинг Эрдэнэтдаги катта қурилишида эндиликда мис. молибден рудаси сифатини белгилаш учун кўп меҳнат талаб этадиган анализ ишларидан геологлар халос бўлдилар. Бу ишни энг замонавий ўлчов аппаратлари жуда қисқа муддат ичида пухта бажаради. Лаборатория шундай ўлчов аппарати билан жиҳозланган. Руда сифати тўғрисидаги узил-кесил маълумот электрон ҳисоблаш машинасидан олинади.

(ТАСС).

ЛОЙИҲА ТАСДИҚЛАНДИ

ТУНИС, Тунис муниципал кенгашининг сессиясида «Ер усти метроси» лойиҳаси тасдиқланди. Яқин кунларда лойиҳани амалга оширишга киришилади. 30 километр узунликдаги биринчи трасса қурилиши учун 50 миллион динор ажратилган. Линиянинг бир қанча участкаларида 1981 йилдаёқ қатнов бошланади. Линиянинг умумий узунлиги 50 километр. Экспресслар кўча ҳаракатида ҳеч қандай тўқнашувларга йўл қўймайди. Кўчалардаги барча ўтиш жойларида туннель ва эстакадалар қуриш мўлжалланмоқда. Тунисда ер ости метросини қуриш плани бекор қилинган эди. Жойнинг тупроғи ва рельефи хусусиятлари туфайли бу қурилиш жуда қимматга тушган бўлар эди.

ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН ШАҲАР

ЛАГОС. Нигериянинг пойтахти Лагос—тропик Африкада энг йирик ва тез ривожланаётган шаҳарлардан бири. 1980 йилга келиб шаҳар аҳолиси 1,8 миллион кишига, шаҳар атрофини ҳисобга олганда 4,5 миллион кишига етади.

Нигерия демографлари аҳолининг бундай тез кўпайишига сабаб шаҳарга деҳқонлар кўплаб келаётганлигида деб тушунтирмоқдалар. 1976 йилда Лагос аҳолиси 1,4 миллион кишидан иборат эди.

(ТАСС).



Бир йил муқаддам ўрнатилган СССР ва Испания ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳар икки мамлакат ўртасида самарали, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиб бермоқда. Совет — Испания иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. СУРАТДА: «Аэрофлот» авиалатхо насининг Мадриддаги янги бинои.

ЭФЭ — ТАСС фотоси.

АФРИКАДА ЭНГ КАТТА

НАЙРОБИ. Найроби яқинида Кения пойтахтининг янги халқаро аэропорти очилди. Бу аэропорт Африка қитъасида энг йирик аэропортлардан биридир. Улкан ярим доирасимон шаклда қад кўтарган аэровокзал бир вақтнинг ўзида икки минг пассажирга. йилига 3 миллион пассажирга хизмат қила олади. Бу— аввалги аэровокзалга нисбатан икки баравар кўп. Янги аэропорт ҳар куни маҳаллий ва халқаро линияларда училадиган ўнлаб ҳаво лайнерларини. шу жумладан Кенияда жуда машҳур «ТУ—154» маркали Аэрофлот самолётларини қабул қилади.

(ТАСС).

Илм-фан ва беш йиллик

Хоразм областида «Ўзбекистоннинг илм-фани — ўнинчи беш йилликлка» деган шнор остида илм-фан кунлари бўлиб ўтди. «Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг сайёр бригадаси составида республиканинг бир группа таниқли олимлари қатнашди. Улар корхона ва қурилишларда, хўжаликлар ва ўқув юртларида докладлар қилдилар ва лекциялар ўқидилар. Олимлар ўзларининг режалари, илмий-тадқиқот коллективлари шуғулланаётган проблемалар тўғрисида, республиканинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга улар қўшаётган ҳисса ҳақида шу учрашувларнинг қатнашчиларига гапириб бердилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БЎЁҚЛАРИ

Новгороддаги тарих-архитектура музей-қўриқхонасининг бош биносида «Ўзбекистоннинг тасвирий ва амалий санъати» виставкаси очилди. Виставкада бир юз элликта живопись ва графика асарлари, керамика, майда пластика, гиламлар, тўқувчилик ва каштачилик, ёғоч ўймакорлиги ва рассомлиги намуналари намойиш этилмоқда. Қадимий рус шаҳрининг аҳолиси СССР халқ артисти Ў. Тансиқбоев ҳамда бошқа усталарнинг ижоди билан қизиқиб танишмоқда.

(ТАСС).

ИЛҲОМ МАНБАИ

Ғазалкентдаги темирбетон буюмлари заводининг болалар боғчасида антиқа ёввойи мушук, товус ва типратикон пайдо бўлиб қолди. Бирбирига аҳил бу жониворларни болаларга А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомчилик институтининг студентлари совға қилишди: бу ўйинчоқ жониворлар ҳайналтарошлик студиясидан болалар ўйнайдиган майдончага келтирилди.

Корхонага оталиқ қилишни ўз зиммасига олган студентлар ишлаб чиқариш участкаларини, ишчилар клубини жиҳозлаб, безатиб бердилар, асосий корпусни эса миллий гул солиб, мозаик панно билан ясатдилар. Студентлар завод территориясида «Баҳор» скульптура композицияси билан ишланган фонтан қурищди. Заводда студентларнинг бадиий асарлари билан мунтазам равишда танишгириш мақсадида кўргазмалар ўтказиб турилади. Бу кўргазмалар ўлканинг бой табиати, замондошларимиз ҳаёти билан таништиради.

— Ғазалкент — оталиқ алоқаларимиз қайд этилган ҳаритадаги кўпдан-кўп пунктлардан бири, — дейди рассомчилик факультетининг декани, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган маданият ходими И. Н. Лимаков. — Студентлар пойтахт областининг бошқа шаҳарларидаги, шунингдек Мирзачўлнинг ва Қарши даштининг қўриқ ерларидаги совхоз клублари ва болалар муассасаларини ҳам безатиб бормоқдалар. Тажриба шуни кўрсатдики, оталиқ қилиш ижодкор ёшларни тарбиялашнинг энг таъсирчан шаклларидан биридир. Оталиқ қилиш йўли билан яратилган асарларнинг кўпчилиги студентларнинг асарлари намойиш қилинадиган Бутуниттифоқ кўргазмаларида мукофот олганлиги бежиз эмас,

В. ЧЕРНИШЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

Наврўзи олам мубораК!

Фусункор фасл

Ҳурматли редакция! Наврўз байрами, унинг келиб чиқиш тарихи, имшюнларнинг ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламиз.

М. АЛИМОВА, С. РИЗАЕВА, Ш. БЕКМУҲАМЕДОВА, У. ЗОКИРОВА, Н. УСМОНОВ, Т. АББОСОВ ва бошқалар.

Фаслларнинг келинчаги — баҳор келди. Куни-кеча оппоқ қорга бурканиб ётган оламизга зумрад ранг бериб баҳор келди. Баҳор ўзи билан заррин нурлар, сарин шаббодалар, кўм-кўк майсалар, гулу-чечаклар, ҳаяжонли ҳистуйғулар олиб келди. Бу гўзалликларга ошиқиб карвон-карвон турналар, чарҳ урган қалдирғочлар, сози тинмайдиган тўрғайлар, қўйнғчи, нағмачи парранда-ю-дарраидалар ҳам етиб келди. Олам яшариб, табиат ноз уйқусидан кўз очди. Наврўз келди!

Наврўз халқимизнинг қадимий анъанавий байрами, меҳнат ва бахт таронаси янграйдиган кун. «Наврўз» сўзи форсча-тожикча бўлиб, янги кун деган маънони англатади. Ана шу куида— 22 мартда кеча ва кундуз баравварлашади.

Наврўз байрами ҳақида буюк алломалар яхши гаплар айтиб ўтишган. Абу Райҳон Беруниийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарларида кўп қизиқарли маълумотлар, халқ қўшиқлари ва бошқа термаларни учратиш мумкин. Абу Райҳон Беруниийнинг айтишича, қадимий замонларда наврўз байрамида одамлар яхши ният билан бир-бирларига қанд совға қилишган. Шундан кўринадики, шакарқамиш экиш ва уни ўстириш бу одат билан боғлиқдир. Афсонавий Эрон шоҳи Жамшид номи билан боғлиқ бир ривоятда шакарқамишни биринчи марта экиш тасвирланади. Беруний бу ҳақда шундай деб ёзади:

«Наврўз куни Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлган, бу шу бақтгача билинмаган эди. Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини кўрган. Уни тотиб кўрган, унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувини чиқариб ширасидан шакар ишлашни буюрган. Шакар бешинчи куни кўтариб олинган ва табриклаш учун уни бир-бирларига ҳадя қилганлар».

Бу бир афсона бўлса ҳам, унда ўсимлик ундириш, меҳнат жараёни, асосийси қанд-оқлик ва ширинликни тарғиб қилиш ғояси бор. Ҳозир ҳам бизнинг дастурхонларимизга оққанд, ҳолва, парварда, нишолда ва бошқа шу каби ширинликлар эзгу истаклар билан қўйилади.

Наврўз байрами қадимий асрларда форс халқлари ўртасида тарқалган эди, кейинчалик у Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг анъанавий янги йил байрамига айланди. Ҳозирда наврўз байрамини ўзбек, тожик, туркман ва Ўрта Осиё республикаларининг бошқа халқлари ҳам кенг нишонлайдиган бўлдилар.

Одамлар наврўз байрамида бир-бирларига яхши ниятлар, эзгу истаклар билдиришади, сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бахт-саодат тилашади.

Қутлуғ бу баҳор байрамида турли таомлар: кўкатли чучваралар, ялпиз сомсалар, сумалаклар ва ҳалимлар тайёрланади, ўйин-кулги, куй-қўшиқлар янграйди.

Меҳнат — наврўзнинг энг кўнгилли машғулоти бўлади. Кўча ва йўлкаларни супуриш, ариқ ва анҳорларни тозалаш, дарахтлар тагини юмшатиш, хиёбонларга ва боғларга турли манзарали ва мевали дарахтлар ўтказиш гоҳида қизғин ва нашъали бўлади.

Наврўз байрами шаҳримизда баҳор ва гўзаллик шодиёнаси сифатида нишонланади. Бу байрамда маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ЖЭКларда, турар жойларда анъанавий ҳашарлар, турли кўнгилочар мусобақалар ўтказилади.

Наврўз байрами — меҳнат ва гўзаллик байрами дедик. Бу байрам билан ота-оналаримизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларни, дўст-биродарларни, ҳаммани муборакбод этамиз.

— Наврўзи олам мубораК, азиз дўстлар!

Т. РАСУЛЕВ.



**Новдаларин безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини...**

• *Билиб қўйган яхши*

МУЧАЛ ҲАҚИДА

Ҳурматли редакция! Мучал қандай йил ҳисобн. Бу йил Мучал ҳисоби бўйича қайси йил киради?

Ф. Абдуқодирова, ишчи.

Мучал— ўн икки ҳайвон номига боғланган йил ҳисобидир. Бу ҳайвонлар номи қуйидагилар: 1. Сичқон (Муш). 2. Сигир (Бақар). 3. Барс (Йўлбарс, Паланг). 4. Қуён (Харғўш). 5. Балиқ (Аждар, Наҳанг). 6. Илон (Мор). 7. От (Асп). 8. Қўй (Гўсфанд). 9. Маймун (Ҳамдуна). 10. Товуқ (Мурғ). 11. Ит (Сак). 12. Тўнғиз (Ҳук).


Мучал бўйича йил ҳисоби одатда март ойидан бошланади. Яъни, ҳозирги бизнинг календардаги январь, февраль ойлари, шунингдек 21 мартгача бўлган кунлар эски йилда қолади. 1977 йилнинг 22 мартидан бошланган Илон йили бугун тугади. 1978 йилнинг 22 мартидан 1979 йилнинг 22 мартигача От йили бўлади.

Мабодо, туғилган йилингиз қайси мучал эканлигини билмоқчи бўлсангиз, топиш қийин эмас. Бунинг учун туғилган йилга 9 рақами қўшилади, йиғиндиси 12 га бўлинади, қолдиқ сон мучал йилини билдиради. Масалан, бир одам 1915 йилда туғилган дейлик. Унинг мучали қуйидагича топилади: 1915+9=1924. 1924 12 рақамига бўлинади. Ундан келиб чиқадиган қолдиқ сон унинг мучалини билдиради, яъни қолдиқ 4 рақами қуён йили деган маънони англатади.

• *Шифобахш гуллар*

БАҲОР ЭЛЧИЛАРИ

Баҳор нафаси дилни ром қилади. Барқут-чаман боғлардан тортиб, шўх жилға берган сержилва тоғларгача, сабза урган майсасидан қушларнинг мадҳи олам сайрогигача ўзгача бир тароват билан кишини маҳлиё қилади. Наботот оламининг уйғониши ўлкамизнинг ҳуснига-ҳуси ва фусункорлик бахш этади. Баҳор эрнатойлари бўлмиш алвон бисотли лолақизғалдоқ, атрида олам маст бўлувчи бинафша ва ялпизлар кишида фақатгина завқ уйғотибгина қолмай, тиббий ҳосиятларга ҳам эгадир.



Лолақизғалдоқ



Лолақизғалдоқни дала, сайхон ер, гиёҳлар даврасида, қўйнингчи, эски пахса девор устиларида ёқутдек очилиб турганини кўрар экансиз, у назарингизни асир этмай қўймайди. Лолақизғалдоқ баҳор элчиси бўлиши билан бирга, қадим-қадимдан табобат оламида шифобахш омил бўлиб келган. Табиби замонлар лолақизғалдоқ тожбаргларидан олинган шарбатни офтоб урган болаларга ичириб оғир астаратдан фориғ этганлар. Иллатланган кўз гул шарбати билан ювилса, кўзни покиза этиб, чашман гавҳарга нур бағишлайди. Лолақизғалдоқнинг гул шарбати билан тоғ қалампирининг аралашмаси билан оғиз чайқалса бемавруд сўлак оқишига барҳам беради. Лолақизғалдоқнинг мавжи жамоли устамон дала шайдолари учун чигит экишнинг айни қиёмлигидан дарак беради. Болгар халқ табобатида лолақизғалдоқ қўзоқчаларидан тайёрланган қайнатма юрак хаприқишига, қорин оғриғи ва ўткир йўталга даво ҳисобланади. Гуллар қайнатмаси чиллаширга шифо, бемурувват пешоб кетишига радия бўлиб хизмат қилади.

Олимларнинг берган маълумотларига қараганда, лолақизғалдоқ гулларидан тайёрланган дамлама катта кишилар учун тинчлантирувчи, зўраки йўталга малҳам бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун лолақизғалдоқнинг 50 грамм гул барги олиниб, 400 грамм қайноқ сувга қўшилади. Сўнгра 1 грамм лимон жавҳари солиниб, тўрт соат давомида сақлаб турилади, кейин 650 грамм шакар билан қайнатилади. Мабодо бу аралашма болаларга бериладиган бўлса, унда чой қошиқда кунига 4 маҳал берилиши лозим.

Бинафша

Бинафша атри кишини бенихтиёр тўйиб-тўйиб нафас олишга ундайди. Бинафша ўзининг жозибали кўриниши ва ёқимли анбари билан барчани маҳлиё қилибгина қолмай, балки шифобахш хусусиятлари билан ҳам дардларга даводир. Бинафша кўҳна Юнон ва Румо шоирлари ва илм-фузалолари томонидан мадҳ этилган. Қадим-қадимдан бинафша халқ табобатида кенг қўлланиб келган. Чуновчи, бинафшанинг ердан юқори қисми қуритилиб чой-дамлама сифатида ўпка йўли (бронхит) шамоллаганида, балғам кўчирувчи сифатида ҳамда буйрак ва пешоб халтасидаги тошларни нуратиш мақсадида тавсия этилган. Европаликлар бинафша препаратларини подагра (гафар), ревматизм (бод) ва болалар ширинчасида тадбиркорлик билан фойдаланганлар.

Болгар халқ медицинасида бинафша тери тошмаларига раддиялик қилувчи синалган даво бўлиб ҳисобланади. Қайнатилган бинафша барглари иллатли яра, чипқон, сизлоғич ва шишларга қўйилса, унинг ховрини олиб етилтиради. Бинафшадан тайёрланган қайнатма юқори нафас йўллари шамоллашда, грипп ва бодомчаларнинг яллиғланишида гар-гара сифатида ишлатилса бемор ҳолатини енгиллаштиради. Бунинг учун 2 грамм миқдорда қуритилган бинафшадан олиб 200 грамм сув билан 15 минут давомида қайнатилади. Сузиб олинган шарбатдан ош қошиқда кунига 4 марта истеъмол этилади.

Халқ табобатида бинафша қайнатмаси қовуқ суслигида маромлаштирувчи омил сифатида ҳам қўлланилади. Мабодо пешоб йўлида қум бўлгувдек бўлса, қуйидагича мажмуали чой ижобий томонларини намоён этиши мумкин.

Бинафшанинг бунчалик хосиятларга бойлиги унда мавжуд бўлган доривор омилларнинг мажмуаси билан тушунтирилса бўлади. Хусусан, унинг таркибида С витамини (аскорбин жавҳари), А витамини (каротин), гликозидлар, шопирувчи моддалар (сапонин), эфор мойлари, қанд ва нукра элементлари, шу жумладан, алвил моддалар мавжуддир.

Хушбўй бинафша бизнинг ўлкамизда кўплаб учрайди, уни ҳатто маданий равишда кўпайтиришимиз ҳам мумкин. Хушбўй бинафшани пўрсилдоқ, чиринди ерларга чуқурроқ қилиб экилади. Экилаётган бинафша тўпидан бўлаклаб икки донадан қилиб тупроққа ниқталади. Уни бир тирсак масофада экиб борилса, яхши шоналаб ўсади. Бинафша маҳаллий ва маданий ўғитларга анчагина мойил. Бинафша беор гиёҳ бўлганлиги туфайли тезда кўзга ташланадиган бўлиб боғингизга файз киритиб, атри-уффорися билан дилингизни янада ёриштиради.

М. НАБИЕВ,
доришунос, Ўзбекистон санитария-гигиена ва касб касалликлари институтининг катта илмий ходими.

А. АЛИМОВ,
республикада хизмат кўрсатган доришунос, медицина аълочиси.

(Газетанинг навбатдаги сони 24 мартда чиқади).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ТЕЗ КУНДА

«МИМИНО»

(Музикали кинокомедия)

НОМЛИ ЯНГИ КЕНГ ФОРМАТЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРАДИ



Сценарий муаллифлари— Реваз ГАБРИАДЗЕ, Виктория ТОКАРЕВА, Георгий ДАНЕЛИЯ.

Постановкачи режиссёр— Георгий ДАНЕЛИЯ.

РОЛЛАРДА:

Вахманг КИКАБИДЗЕ, Фрунзик МКРТЧЯН, Елена ПРОКЛОВА, Евгений ЛЕОНОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Х Москва халқаро кинофестивалида бу фильм олий мукофот— Олтин соврин олди. Мимино— фильм бош қаҳрамонини ана шундай аташади. Бу грузинча — Лочин, демакдир. Унинг дўстлари. Кавказ тоғлари орасида бор-йўғдек кичкинагина қишлоқ одамлари ва жадвалга мувофиқ қаҳрамон у ёдан — бу ёққа қувиб юрган жажжигина вертолётчанинг йўловчилари уни ана шу ном билан чақиришарди. Мимино ташийдиган юклар унчалик қийматли эмас: почта, қўйлар, мева-чева... Кунларнинг бирида, таниш кампирнинг ҳожатини чиқариш учун у Кавказ тоғ тизмалари оша парвозга отланди. Мимино «ниначи» қанотлари остида ястанган ҳудди қўрқувдан шаталоқ отиб қочаётган ола сиғирга ўхшаш азим тоғ тизмаларига суқланиб боқади.

Бугунги «ҳаво извошчиги»— Мимино ана шундай яшайди, аммо унинг қалбида ўзга дунёни кўриш, ўзи учун шунчалар таниш одатдаги туриш-турмушдан қутулиш иштиёқи жўш ура бошлаганди. У ўзини тезучар замонавий лайнер штурвалида учиргандек, турли овоз ва тилларда сўзлашилган халқаро аэропортларда юргандек хаёллар сўради. У она қишлоғидан Москвага жўнашга, янгича ҳаёт бошлашга қарор қилади. Дарҳақиқат у жўнаб кетади ва томошабин экранда уни Москвада қандай саргузаштлар кутаётганини ўз кўзи билан кўради.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.


ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА

«ИЗУМРУД-209» ТЕЛЕВИЗОРИ

Сизга қитъалар ва мамлакатлар, музей, виставка ва концерт заллари бўйлаб қизиқарли саёҳат қилишга «ИЗУМРУД—209» телевизори ёрдам беради.

Бу телевизор модели фойдаланиш учун жуда қулайдир.

Телевизор экрани — диагонали бўйича 61 сантиметр.



ЦКРО «ОРБИТА».

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/III да **Спартак**, 23/III да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/III да **Кўрмайин босдим тиконни**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/III да **Гулбаҳор қани?**, 23/III да **Олифта**, 24/III да **Ҳокимга хонам**, 25/III да **Шаҳзода ва етим қиз**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/III да **Ҳаммомга бало борми?**, 23/III да **Ўқилмаган саҳифа**.

КИНО

22 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Тиль ҳақида афсона** (3—4-сериялар, катта зал, кечқурун).

Яккама-якка — «ЧАЙКА» (18, 19.30, 21.00).

Куз (тоқ соатларда), **Оғиш бурчаги ноль** (жуфт соатларда): — «ҚОЗОҒИСТОН».

Қайта тикланган никоҳ—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Севмоқ ва яшамоқ даври — «ВОСТОК» (18, 19.40, 21.10).

Хайрли таваккал — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Бу ишнинг менга даҳли йўқ — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Олишув — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

23 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Тиль ҳақида афсона** (3— 4-сериялар, катта зал, кундуз ва кечқурун).

Яккама-якка — «ЧАЙКА» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

Куз (тоқ соатларда), **Оғиш бурчаги ноль** (жуфт соатларда): — «ҚОЗОҒИСТОН».

Қайта тикланган никоҳ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Севмоқ ва яшамоқ даври — — «ВОСТОК» (10.30, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.10).

Хайрли таваккал— «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Бу ишнинг менга даҳли йўқ— «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Олишув— «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

23 МАРТ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Тўхташ вақти уч соат». Бадиий фильм. 11.10 ВЛКСМнинг XVIII съезди олдидан. «Украина ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари— комсомол съезди делегатлари». 11.55 Ф. Шопен ва А. Скрябиннинг фортепьяно ижроси учун ёзган асарларини халқаро конкурслар лауреати В. Кастельский ижро этади. 15.05 «Ғиштдан қурилган индустриал конструкциялар». Ҳужжатли фильм 15.25 «Рус тили». 15.55 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 16.25 «С. Сартаков. Ижод саҳифалари». Туғилган кунининг 70 йиллигига. 17.05 «Тинда: тўрт йилдан сўнг». Телевизион очерк.

17.30 «Болалар музикаси ҳафталиги»нинг очилишига. Кўрсатувда СССР халқ артисти, композитор Д. Кабалевский иштирок этади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Миллионлар ленинча университета». «Октябрь мамлакатининг намунаси». Кўрсатувда СССР Фанлар академияси Латин Америкаси институтининг директори В. В. Вольский иштирок этади. 19.30 М. Равель. «Вальс». Москва Давлат филармониясининг Академик симфоник оркестри ижро этади. 19.45 Н. Загребельский. «Ким қўшилади? Ким қарши?». Телевизион фильм-спектакль. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Химик» (Воскресенск)— МАСК. Воскресенскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Нурафшон даврa» (рус.). 12.00 «Пер Гюнт». Телеспектакль.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМнинг XVIII съезди олдидан. «Сенинг замондошинг». 18.30 «Прогресс» программаси (рус.). 18.45 «Фан». Идмий-оммабоп программа. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Телевизион театр почтаси». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳабиба Охунова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Нуроталиклар ташаббуси асосида». Чорвадорлар учун кўрсатув. 22.15 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 4-серия. «Сўнгги марра». 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Виноюр» — «Сялават Юлаев» Спорт клуби «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

• *Ўсимликлар оламида*

ЯЛПИЗНИНГ МИНГ ХОСИЯТИ

Ялпиз қадимий шифобахш ўсимликлардан ҳисобланиб, Абу Али ибн Сино каби бобокалон ҳакимларнинг асарларида доривор ўсимлик эканлиги айтилган. Халқ табобатида ялпизни витаминоз, рахит, қоннетиш, иштаҳа очиш, кўнгил озиш, қайт қилиш, бош оғриш, сурги, қонтомир касалликларни, юқумли хасталикларни, яра-чақаларни даволашда қўллаганлар.

Хўш, ялпиз таркибида қандай моддалар бор: эфор мойлари, витаминлар, минерал тузлар, ошловчи моддалар, микроэлементлар, ферментлар, оқсиллар, углеводлар, аскорбин кислоталар, бўёқлар каби ҳаёт биримлари мавжуд! Шу туфайли ялпиз хушхўр, хушбўй бўлиб, овқат таъмини яхшилаб, ҳазмлик даражасини орттиради. Баҳорда энди чиқан майин майса ялпиз баргларида юқорида биз айтган фойдали моддалар нўп бўлади.

Маълумки, баҳор фаслида одам танасида витаминлар намайиб кетади. Ёз ва куз бўйи йиғилган витаминлар қишда сарфланиб, кўкламда етишмай, силла қурийди, киши тез-тез нафас олиб толиқади, иштаҳа бузилади, ҳатто терининг ҳолати ҳам айниди, оқаради ёки қораяди, турли яра-чақалар чиқади. Ана шунда витаминли озиқ-овқатларни, айниқса С, А, B_2 витаминларига бой булган таомларни нўпроқ ейиш керак. Бунинг учун ҳар хил нўнатлардан терib кўк сомсалар, чучваралар тайёрлаш, ошларга нўпроқ кўкатлар солиб ейиш фойда қилади. Баҳор мавсумида 3—4 марта ялпиздан овқатлар қилиб ейилса, киши анча бакувват тортади.

М. ТЎЙЧИЕВ,
табиатшунос.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

22 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70, эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р — 12916. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1268.